

2025-yil
15-iyul
seshanba
№87
(5151)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



ҚАРДОшлиК ВА ЯХШИ ҚўШНИЧИЛИК руҳидаги ФАОЛ САЪЙ-ҳАРАКАТЛАРНИНГ ўЗВИЙ ДАВОМИ

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси раиси
Қудратилла Рафиқовнинг Қирғиз Республикаси
Иссиқкўл вилоятида жойлашган «Bo'ston Resort» дам
олиш масканининг очилиш маросимидаги нутқи



Ассалому алайкум!
Азиз дўстлар!
Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, сизларни
қондошу жондошларимиз
юрти, кўхна Қирғиз зами-
нининг мафтункор таби-
ати, она Туркистоннинг пур-
виқор Тянь-Шань тоғ тизма-
лари бағрида жойлашган,
дунёдаги энг йирик тоғ-кўлла-
ридан бири – Иссиқкўл соҳи-
лида қад ростлаган «Bo'ston
Resort» дам олиш маскани

биринчи босқичининг танта-
нали очилиши билан сами-
мий муборакбод этаман.

Бугун сиз, азизлар би-
лан қирғиз диёрида, ўзбек
ва қирғиз дўстлигининг яққол
рамзи бўлган – «Bo'ston
Resort» мажмуасида юз-
ма-юз учрашиб турганимдан
беҳад бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб,
азиз қирғизистонлик оға-
инилар, опа-сингилларимга
давлатимиз раҳбари, муҳта-

рам Шавкат Миромонович
Мирзиёевнинг, қолаверса,
танти ва олижаноб халқи-
мизнинг самимий ҳур-
мат-эҳтироми ва эзгу тилак-
ларини етказишга ижозат
бергайсиз.

Кош келиңиздер,
қымбаттуу достор!
Кош келиңиздер,
урматтуу бир туугандар!

>>> 2

ИССИҚКўЛ СОҲИЛИДАГИ ДўСТЛИК РАМЗИ



Қирғиз Республикаси Иссиқкўл вилояти Тон туманида Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилган «Bo'ston Resort» дам олиш мажмуасининг дастлабки босқичи фойдаланишга топширилди

2-, 3-саҳифаларда ўқинг...



Иссиқкўл
иҳомлари

4

www.ishonch.uz

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



ҚАРДОШЛИК ВА ЯХШИ КЎШНИЧИЛИК РУҲИДАГИ

Халқларимиз жипслашувига хизмат қилади



Муратил
ДЖУМАДИЛОВ, уули,
Қирғизистон касаба
уюшмалари
Федерацияси
раиси:

— Кейинги йилларда икки давлат Президентларининг ўзаро ҳамкорлигида иккилобий ислохотлар амалга оширилди. Муносабатлар мустақамланди, чегаралар очилди. Қисқаси, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида ечилмаган масала қолмади ҳисоб.

Тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган мазкур ишшоот ҳам ана шу ишларнинг мантқиқий давоми бўлди, десам, янгилашмайман. Ишончим комилки, ушбу дам олиш маскани ўзбек ва қирғиз элига бирдек наф келтиради.

Мазкур объект нафақат минтақа туризмни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, балки иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашга, халқларимизнинг янада жипслашувига хизмат қилади.

Тилагим, дўстлигимиз, қардошлигимиз абадий бўлсин.

Туризм ривожига муносиб ҳисса қўшади



Данияр АРПАЧИЕВ,
Қирғиз Республикаси Президентининг Иссиқкўл вилоятидаги ваколатли вакили (Губернатор)нинг биринчи ўринбосари:

— Ўзбек биродарларимизни Иссиқкўлда кўриб турганимиздан беҳад шодимиз. Икки мамлакат Президентлари олиб бораётган сиёсий ислохотлар натижасида мана шундай кунларга етиб келдик. Ушбу бино совет давридан буён қаровсиз қолиб кетган эди. Бугун эса Қирғизистондаги энг сўлим гўшага айланди. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ўз миннатдорлигини изҳор қиламан. Мазкур маскан мамлакатимиз туризм ривожига улкан ҳисса қўшади. Масалан, 2024 йилда Иссиқкўлга 2 миллион турист ташриф буюрди. Бу ўтган йилларга солиштирилганда икки баробарга кўп дегани. Ушбу дам олиш пансионати мазкур статистикани яна кўпайтиришига ишонамиз. Қолаверса, бу кўшимча иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Ўзбек-қирғиз алоқалари бундан-да юқори чўққиларга чиқишига тилакдошимиз.

Ҳамжиҳатлигимизга кўз тегмасин!



Бахтибек ОСМОНОВ,
Тон тумани ҳокими:

— Туманимизга ушбу маскан узукка кўз кўйгандак жуда ярашлиб турибди. Бунинг учун халқимиз номидан Ўзбекистон элига чин юракдан миннатдорлик билдирамиз. Чунки қарийб ўн йилдан буён ташландиқ ҳолатда ётган биноларга фойз кирди. Улар кўз ўнгимизда янги қиёфада юз очди. Албатта, мазкур ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ававало, икки мамлакат Президентларининг дўст-биродарлигининг белгисидир. Шу маскан элимизга кутли, фойзли келсин. Элларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликка кўз тегмасин!

Мустақамланаётган ришта белгиси




Жумагули
ЭРКИНБОЕВА,
Тон тумани хотин-қизлар
фаоли:

— Тарихан боғланган қардошлик ришталари муайян муддат узлиб қолаёди. Ўзбек қариндошларимиз билан дийдорлашишни кўмсаган даврларимизни яхши эслаймиз. Касаба уюшмалари томонидан барпо этилган бу қоша меҳр ришталарини янада мустақамлашга ҳеч шубҳа қилмайман. Бу маскан нафақат ўзбек биродарларимиз, балки қирғиз ақли саломатлиги йўлида хизмат қилайдиган қоша бўлди.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Сихатгоҳнинг ишга туширилиши маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам асос бўлган. Халқларимиз ўртасидаги риштини янада мустақамлаш йўлида барча имкониятларни ишга солаётган Президентларимиздан беҳад миннатдоримиз.

Қурувчиларга тасанно!



Турсунбек
АЛЧИКЗЕВ,
Тон тумани оқсоқоллари
раиси:

— Иссиқкўл ҳудудидаги бу маскан кўп йиллар ҳувиллаб қолганди. Ўтган фурсатни биродарларимиз билан вақт синовига қўя қоламиз. Бу имтиҳонни меҳр тафти билан ениб ўтдик. Бугун бир-биримизни ёқараш билан эмас, балки кучок очиб, кутиб олиш имкони яратилди. Ўзбек қардошларимиз томонидан сихатгоҳни тиклашга тамал тоши қўйилган кунлари қувончимиз ичимизга сиғади. Қурувчиларга тасанно, улар атиги тўрт ой ичида ташландиқ ҳудудни гўзал гўшага айлантиришди. Бундан ўн йил олдин ҳеч ким шундай бўлишига ишонмасди. Бугун чегара, борди-келди масалаларининг эркин бўлиши ва яна бундай гўзал масканни бунёд этилиши абадий дўстлигимизнинг ёрқин намунаси бўлиб турибди. Буларнинг барчаси учун хайрли ишларнинг бошида турган Президентларимизга раҳмат!



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг Қирғиз Республикаси Иссиқкўл вилоятида жойлашган «Bo'ston Resort» дам олиш масканининг очилиш маросимидаги нутқи

<<< 1

Хурматли тadbир иштирокчилари!

Маълумки, мамлакатларимиз ва халқларимизни бой дўстона қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, тил, дин ва маданият ўзаро боғлаб туради.

Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли икки томонлама алоқаларимиз янгилаш шакл ва мазмун касб этиб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Бунга, ўтган давр оралиғида Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг турли форматлар доирасида Қирғизистонга 7 марта, Садир Жапаровнинг эса Ўзбекистон Республикасига 5 марта ташрифи амалга оширилгани ҳам яққол мисол бўла олади.

Хусусан, 2023 йилда давлат раҳбарлари томонидан икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги — кенг қамровли стратегия шериклик даражасига олиб чиқувчи тарихий Декларация имзоланди.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари ҳузурида давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро ва ҳудудлараро 25 та ҳужжат тасдиқланди.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг кейинги икки йилда Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлиги самарали ривожланганини қайд этиб, «Қирғизистон бизнинг муҳим стратегик ҳамкоримиз, энг яқин кўшимиз ва вақт билан синалган дўстимиздир», дея алоҳида эътироф этгани ҳам бежиз эмас, десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан.

Қадрли қардошлар! Азиз дўстлар!

Бугунги кунда Ўзбекистонда 300 минг нафардан зиёд этник қирғизлар истиқомат қилишади. 1992 йилдан ҳозирги кунга қадар юртимизда Республика қирғиз миллий маданий маркази ва олти вилоятда унинг бўлимлари фаолият юритиб келмоқда. Бу масканларда қирғиз маданияти, анъаналари, урф-одатлари ва тилини ривожлантириш мақсадида халқ оғзаки ижодиёти, миллий ва жаҳон маданияти гавҳари бўлмиш «Манас» достонига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мен ўрни келганда бир гапни очик айтишни истардим: Ўзбекистонда қирғизларни бир эл, туғишган халқ сифатида севишади, ардоқла-

шади. Бу борада Президентимиз барчамизга ўрнатқан кўрсатди, десам, тўғри бўлади. 2018 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти, муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуси билан «Обод қишлоқ дастури» доирасида илк маротаба Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги асосан қирғиз қардошларимиз яшовчи «Манас» қишлоғи 45 кун ичида қайта қурилиб, ободонлаштирилиб, янги шаҳар қиёфасини олгани бу фикримни тасдиқлади.

Бугун Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бири буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов номи билан аталади. У ерда буюк қардош ёзувчимиз хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

Хурматли тadbир иштирокчилари!

Рухсат берсангиз, мен бир зиёли, қолаверса, узоқ йиллар сиёсатнинг ичида юрган одам сифатида ўзбек ва қирғиз халқларининг бир-бирига бўлган меҳри, садоқати ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам.

Сир эмас, собиқ тузум парчалаши арафасидаги «империя талвасаси» миллий республикалар ва халқларининг бошига жуда кўп кулфатлар келтирди. Жумладан, ўзбек халқи ҳам аини ўша замонларда «Ўзбек иши», «Пахта иши» деган иғво-фитналар туфайли кўп азият чеқди. Минглаб одамлар қатагон қилинди, тўхмат ва бўхтон уюштирилиб, миллатнинг номини қоралашга очиқчасига уринишлар бўлди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: айнан ўша йиллари собиқ марказнинг бош мафкуравий-сиёсий жарчиси бўлган «Правда» газетасида дунёга машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг «Қайта қуриш, ошқоралик — омонлик дарахти» мақоласи босилди. Ушбу мақола мазмун-моҳиятига кўра, собиқ марказ томонидан аёвсиз сиқувга олинган, сиёсий репрессияга учраган Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳимоясига қаратилганди. Айтматов унда шундай деб ёзганди: «Ўзбек халқининг мамлакат учун қилган меҳнатини бирма-бир санайверсак, буларнинг бари бошимизни куйи эгиб, таъзим этишга арзийди. Қадим-қадимдан ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византия Қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш

мумкин. Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимизу юзимиз бўлиб келди. Йўқ, ўзбек халқининг боқира юзига ҳеч нарсга доғ туширолмайдилар!».

Муҳтарам дўстлар!

Мен шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардимки, бугун дунёда турли геосиёсий ва иқтисодий муаммолар авж олаётган беқарор паллада неча-неча асрлар синовидан ўтган ўзбек-қирғиз дўстлиги, юқорида айтганимдек, янгилаш шакл ва мазмун касб этиб, янада мустақамлашиб бормоқда. Бу мустақамликни ҳар қандай ички ва ташқи ёт қарашлардан асраб-авайлаш икки қардош халқ зиёлиларининг асосий вазифаларимиздан бири бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Азиз меҳмонлар!

Ҳозир сизу биз гувоҳ бўлиб турган катта тарихий воқеа — «Bo'ston Resort» дам олиш мажмуасининг дастлабки босқичида фойдаланишга топширилаётган муҳташам дам олиш маскани ҳам давлатларимиз раҳбарларининг сўнгги йилларда олиб борган фаол, ўзаро ишончга асосланган ташқи сиёсати, қардошлик ва яхши кўшничилик руҳидаги фаол саъй-ҳаракатларнинг узвий давомидир, десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан.

Қадрли тadbир иштирокчилари!

Шу ўринда мен юқоридаги объектнинг фойдаланишга топширилиши нафақат минтақа туризмни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, балки иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашга, халқларимизнинг янада жипслашувига хизмат қилишини ҳам алоҳида қайд этишни истардим.

Мазкур лойиҳа икки босқичга мўлжалланган бўлиб, унинг дастлабки босқичида иккита 3 қаватли бино тўлиқ реконструкция қилинди ва 200 ўринли кўркем мажмуа ҳамда маъмурият биноси қурилди. Шу билан бирга, 250 ўринли ресторан, 54х36 метр ўлчамли очик чўмилиш ҳавзаси, очик волейбол ва футбол ҳамда болалар майдончалари, ташқи тренажёр зонаси барпо этилди. Узунлиги 500 метрлик пляж ташкил қилиниб, ҳудуд ташқи панжара-девор билан

ўралди, ён-атрофда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Мажмуадан 500 метр узоқликда ташқи оқова сувни тозалаш иншооти ҳамда кўлга чиқиш учун узунлиги 54 метрдан иборат пристань ўрнатилди, денгиз саёҳати учун кемалар сотиб олинди.

Кейинги босқичда мажмуа ҳудудида гастроэнтерология, кардиология, неврология, эндокринология, урология, таянч-ҳаракат тизими ҳамда нафас йўллари касалликларини даволашга ихтисослашган, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган санаторий барпо этилади. Унинг доирасида 200 ўринга мўлжалланган 7 қаватли бино қайта реконструкция қилиниб, маъмурият, қабулхона, ёпиқ сузиш ҳавзаси, даволаш биноси ҳамда 200 ўринли ресторан ва катта очик сузиш ҳавзаси янги қурилади.

Муҳими, ушбу даволаш маскани ёз ва қиш мавсумида фаолият юритиб, йилига 5000 га яқин одамга хизмат кўрсатади. Бундан, шубҳасиз, икки томон ҳам иқтисодий фойда кўради. Ҳудудда янги иш ўринлари ва юқори рентабелли рақобатбардош туризм индустрияси яратилади.

Хурматли дўстлар!

Ишончим комилки, «Bo'ston Resort» дам олиш маскани бизнинг мустақам дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз ва тараққиётимизнинг яна бир ёрқин тимсолига айланади. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу мажмуанинг дастлабки босқичидаги объектини бунёд этишда жонбозлик кўрсатган фидойи ва ташаббускор қурувчиларга, бу ишларда беминнат ёрдам кўрсатган масъулларга, меҳнаткаш қардошларимизга сизларнинг ҳамда ўз номидан алоҳида миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Барчангизга яна бир бор қирғиз юртида илк бор ўз фаолиятини бошлаган Ўзбекистоннинг бетакрор ва муҳташам мажмуаси муборак бўлсин, дейман! Президентларимизнинг бунёдкорлик саъй-ҳаракатлари билан бошланган ушбу лойиҳа мамлакатларимиз ва минтақамизнинг умумий келажиги учун хизмат қилсин! Юрларимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқларимиз ўртасидаги мустақам дўстлик ришталари абадий бўлсин!

ФАОЛ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ ЎЗВИЙ ДАВОМИ

Қирғиз Республикаси Иссиқкўл вилояти Тон туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилган «Bo'ston Resort» дам олиш мажмуасининг дастлабки босқичи фойдаланишга топширилди

ИССИҚКЎЛ СОҲИЛИДАГИ ДЎСТЛИК РАМЗИ



Шу йил 12 июль куни муаззам кўл соҳилида, тоғлар этагида қад ростлаган «Bo'ston Resort» дам олиш масканининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унга Ўзбекистон ва Қирғизистон касаба уюшмалари фаоллари, ижодкор-зиёлилар ҳамда Қирғиз Республикаси-дан фахрий меҳмонлар тақлиф этилди.

Улар урф-одатларимизга кўра, карнай-сурнай, доира садолари остида тантанали кутиб олинди. Шу асно «Bo'ston Resort» дам олиш масканининг рамзий лентаси қирқилди. Қўй сўйилиб, қурбонлик маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилинди. Йиғилганлар икки мамлакатнинг истиқболли ҳамкорлиги, халқлар ўртасидаги биродарлик, оға-ини, ака-укачилик, қуд-андачилик абадий бўлишини тилаб, дуога кўл очдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Иссиқкўл соҳилида қад ростлаган «Bo'ston Resort» дам олиш мажмуасининг биринчи босқичи тантанали очилиши билан йиғилганларни самимий муборакбод этди.

Маросим давомида сўзга чиққанлар охириги йилларда икки давлат ўртасида олиб борилаётган дўстлик алоқалари, мамлакатлар раҳбарларининг саъй-ҳаракати билан катта ўзгаришлар рўй бергани, хусусан, чегаралар очилгани, натижада халқлар ўзаро борди-кекдини қайта тиклашгани

нани мамнуният билан қайд этишди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли икки томонлама алоқалар янги шакл ва мазмун касб этиб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришилмоқда.

Хусусан, 2023 йилда давлат раҳбарлари томонидан икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги – кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқувчи тарихий Декларация имзоланди. Ана шу ҳужжатлар доирасида Қирғиз Республикасидан Ўзбекистонга бир неча пансионат қайтариб берилди. Улар орасида «Bo'ston Resort» ҳам бор.

Пансионат бир вақтлар Ўзбекистоннинг «Ташсельмаш» заводида қарашли бўлган. Ўтган асрнинг 70-йилларида қурилиши бошланиб, бир муддат мавсумий фаолият кўрсатган. Ўша вақтда 6 та коттеж, ошхона, 2 та 3 қаватли бино ва йўлнинг қарама-карши томонида хўжалик бинолари бўлган. 1984-1986 йилларда 7 қаватли бино қурилиши бошланиб, якунига етмаган. Йиллар ўтиши билан мазкур объектда аҳвол ёмонлашиб, барча бинолар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ўзоқ йиллар умуман фаолият юритмаган.

Айни вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ушбу ҳудудда даволаш ва дам олиш

мажмуаси бунёд этиш ишлари кетмоқда. Лойиҳа бўйича комплекс икки қисм – мавсумий дам олиш маскани ва йил давомида узлуксиз фаолият кўрсатадиган санаторийдан иборат бўлади.

Ҳозир унинг мавсумий ишлайдиган қисмида – «Bo'ston Resort» дам олиш масканида қурилиш-монтаж ишлари якунланган. Бу ерда 2 та 3 қаватли бино тўлиқ реконструкция қилиниб, 200 ўринли ётоқ ва маъмурият биноси, 250 ўринли ресторан, катта очик чўмилиш ҳавзаси, очик волейбол ва футбол, болалар майдончалари, ташқи тренажёр майдонлари, объектдан 500 метр узоқликда ташқи оқова сувни тозалаш иншооти қурилган. 500 метрга тенг пляж ташкил қилинган. Кўлга чиқиш учун 54 метрлик пристань ўрнатилиб, сув саёҳати учун кемалар сотиб олинган.

Мажмуанинг йил давомида хизмат кўрсатадиган асосий қисми – санаторийда эса 200 ўринга мўлжалланган 7 қаватли эски бино реконструкция қилиниб, маъмурият, қабулхона, ёпиқ сузиш ҳавзаси, даволаш биноси, 200 ўринли ресторан, бар ҳамда кафе, очик сузиш ҳавзаси бунёд этилади. Шунингдек, сиҳатгоҳ учун қоровулхона ҳамда автомобиллар тураржойи, кўл бўйида кемалар ҳамда катамаран учун тураргоҳ ва пляж ташкил қилинади.

Резиденция қисмида эса 3 қаватли

бино, очик ва ёпиқ сузиш ҳавзаси, хизматчилар уйлари, автомобиль ва вертолётлар тураржойлари, денгиз бўйида очик айвонли причал ва пляж бунёд этилади.

Ушбу дам олиш ва даволаш мажмуаси жами 400 ўринли бўлиб, илиқ ва иссиқ кунларда 400, қиш фаслида эса 200, йил давомида қарийб 5 минг нафарга яқин кишини қабул қилиш имконига эга бўлади.

Лойиҳага кўра, янги сиҳатгоҳ гастроэнтерология, кардиология, неврология, эндокринология, урология, таянч-ҳаракат, нафас йўллари каби хасталиклари даволашга ихтисослаштирилди.

Мухтасар айтганда, мазкур объектнинг фойдаланишга топширилиши нафақат минтақа туризмни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, балки иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, халқларимизнинг янада жипслашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбир чоғида Санатор-курортлар бош бошқармаси бошлиғи Анвар Аҳмедовга рамзий қалит топширилди. Шунингдек, қурилиш жараёнида фаол иштирок этган масъуллар ва қувчилар тақдирландилар. Уларга ўзбек урф-одатларига асосан тўн кийдирилди.

Ўзбек-қирғиз санъаткорлари иштирокидаги концерт дастурида дўстлик оҳанглари янгради.

Анъаналар давом этади



Раҳматилла
ЖАББОРОВ,
Ўзбекистондаги
қирғиз миллий маданий
маркази раиси:

– Яширишининг ҳолати йўқ, ҳаётимизнинг муайян бир даврида икки халқ ўртасида алоқалар узилиши рўй берди. Ўзбекистонда яшаётган қирғизлар тарихий ватанига келиб-қетиши ёки Қирғизистонда яшаётган ўзбекларнинг Ўзбекистондаги қавму қариндошлари билан муносабатлари деярли узилиб қолганди. Шўқри, бугун икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси билан ришталар қайтадан тикланиб мустаҳкамланди.

Бугунги кунда Марказий Осиё халқларининг жипслашув дунё ҳамжамияти эътиборига тушди. Уйлаيمانки, бу анъана янада бойитилиб, халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди. Бу сиҳатгоҳ ҳам ҳамжиплашувимизни кучайтириш учун узоқ йиллар хизмат қилишига ишонаман.

Бу кунларни узоқ кутгандик



Азамат ЗИЁ,
тарих фанлари
доктори, академик:

– Биз шу кунни, бир-биримизга қондошлар, туркистонликлар, туронликлар деб мурожаат қиладиган кунни 150 йил кутдик. Марказий Осиёда бирлашиш жараёни...

Бугунги тадбиримизнинг халқаро аҳамияти катта. Негаки, бутун дунё бизни кузатиб турибди. Ўзбекларнинг қирғиз элига келиб, қирғиз элида мана шундай қошонани очиб, буни биргалликда бир даврада нишонлаши Марказий Осиё, Турон, Туркистон халқларининг жипслиги, бирлашув шунчаки гап эмас, балки амалий бир қадам эканлигининг тасдиғидир. Эт билан тирноқни ажратиб бўлмаганидек, ўзбек-қирғиз дўстлиги абадийлик тимсолига айланмоқда.

Оқибатимизга кўз тегмасин!



Содиқжон ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Нуронийлар
кенгаши раиси:

– Иссиқкўл соҳилларида ушбу муаззам қошона бунёд этилгани Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари Президентларининг дўстлиги меvasи деб айтишимиз мумкин.

Ҳаммамиз кўриб турибмиз, мажмуа ҳар икки элга хизмат қиладиган маскан бўлибди. Халқларимиз ўртасидаги алоқалар азал-азалдан мустаҳкам. Динимиз бир, урф-одатларимиз, ота-боболаримиздан мерос қадриятларимиз бир, тилларимиз ҳам ўхшаши. Дўстлик ва оқибатимиз ҳаммиша бардавом бўлсин!

Яхшиликка хизмат қилсин



Жамила ШЕРМУҲАММЕДОВА,
профессор:

– Бугун дунёнинг қай бурчагида уруш кетяпти. Яна бир бурчагида қандайдир муаммо бор. Шўқри, мамлакатларимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Бунга эса икки Лидернинг ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатлар ва баргиреңлик ва дўстликни абадийлаштириш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари сабаб.

Бунга мана шу даврада кўриб, чуқур ҳис қилиб турибмиз. Фурсати туғилганда, ўзбек ҳамда қирғиз оналари номидан икки давлат раҳбарларига чексиз раҳмат айтмаман. Ушбу дам олиш маскани фақат яхшиликка хизмат қилсин!

Дўстлик ифодаси



Ёдгор САЪДИЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
Ўзбек миллий академик театри
директори:

– Мана шу бинолар мустаҳкам дўстликнинг ифодаси, десам, муболага бўлмайди. Бу «Бўстон» инсон кўли билан гулистонга айланганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Барчамизга ушбу қошона муборак бўлсин!

Улуғ неъматга шукроналик



Минҳожиддин МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раисининг
биринчи ўринбосари:

– Иссиқкўлда биринчи марта бўлишим. Бу гўша билан илк бор улуг адиб Чинғиз Айтматов асарлари орқали гўйибона танишганман. Ҳар гал «Оқ кема» асарини ўқиганимда, кечалари билан ўша оқ кемани кутган бола сингари «Салом, Оқ кема, бу мен!» деган сўзларни дилимда, тилимда такрорлаб чиққанман. Бугун мана шу дўстлик кечасида, гузал анжуманда туриб қудратли, сирли, қирғиз халқининг қалбидек мусаффо ва иссиқ Иссиқкўлнинг бўйида туриб, яна унинг сатҳида оқ кемани кўрдим. Бу оқ кема ўзбек ва қирғиз халқларининг меҳри, дўстлигимиз ва қардошлигимиз тимсоли бўлиб келяпти. Қардошлигимиз ва дўстлигимиз абадий бўлсин.



Кўшсаҳифани «Ishonch» мухбирлари
Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ, Нурилла ШАМСИЕВ,
Нурилло НЎЪМООНОВ, Дирёбек ҒАНИЕВ (фото) тайёрладилар.



Абдусайд КҲЧИМОВ

КҲШҚОЯ

2025 йил 12 июль кунИ Иссиққўлда Ўзбекистоннинг «Bo'ston Resort» дам олиш маскани очилди

Ўзбеклару қирғизлар — бир тоғнинг қўш қояси, Азал-абад биттадир бу тоғларнинг сояси.

Дала-дашту қир-адир, осномимиз биттадир, Эртақ, матал, афсона, достонимиз биттадир.

Икки элнинг дўстлиги аҳли дунга ҳавасдир, Битта алпи Алпомиш, битта алпи Манасдир.

Бир насабли бовурмиз, бирдир нону тузимиз, Бир яйловда ўйноқлар қулунимиз, қўзимиз.

Қон-қардошлиқ илдизи «Авесто»дан наридир, Юртимизнинг ҳар гули, ҳар чечаги паридир.

Буюк Шарқда алвон нур Навоийнинг навоси, Самодек чексиз сурур Чингиз оғам даҳоси.

Халқларимиз шиддати Сайхун каби тошгайдир, Улуғ шону шавкати қитъалардан ошгайдир.

Юлдузларга етгайдир ҳали кўрку савлати, Ўзбекистон давлати, Қирғизистон давлати.

Иссиққўлдек шаффофдир ўзбек, қирғиз шеvasи, «Бўстон» сиҳатгоҳи ҳам шу дарахтнинг меваси.

Энди «Бўстон» икки халқ кўрғонида синч бўлсин, Мумтоз бўлсин ер юзи, бутун олам тинч бўлсин.

Халқларимиз дўстлигин рамзи бўлсин «Бўстон»им, Келажакнинг мунаввар шамси бўлсин «Бўстон»им.


Туркистонни тўлдирсин Тўқмағулнинг созлари, Бургутларга айлансин Чатирқўлнинг ғозлари.

Макон бўлсин тўйларга ўзбек-қирғиз уйлари, Тўйхонага айлансин Талас, Норин бўйлари.

Бир мушт каби иноқдир бугун кекса, ёшимиз, Бир чўққида қўноқдир икки Карвонбошимиз.

Икки Карвонбоши ҳам шерюрак, шераҳдидир, Икки гулшан гуллари, икки дунё бахтлидир.

Омон бўлсин Туркистон, қадим Турон бор бўлсин, Икки дунё неъматИ шу заминга ёр бўлсин!





Ўткир РАҲМАТ

Қирғиз Республикаси Иссиққўл вилоятининг Тон туманида қад ростлаган «Bo'ston Resort» дам олиш маскани очилиши муносабати билан

Елкаси елгага туташган ҳаво,
Жилмайиб ҳар тонгда юзланар қуёш.
Бугун юракларда янграг хуш наво,
Мен сенга омонлик тилайман, қардош!

Чирой очсин дейман орзунг, тилагинг,
Дейман, минг шукрки, қилди тақдирдош.
Бўстон бўлсин дейман уйинг, юрагинг,
Мен сенга омонлик тилайман, қардош!

Қиру адиримиз туташиб кетган,
Тарих ҳам азалдан бўлган чин сирдош.
Халқмиз бир-бировга меҳрлар тутган,
Мен сенга омонлик тилайман, қардош!

Алпомиш овози келса Бойсундан,
Манас бўй кўрсатар бўлиб дўст, дилдош.
Эзгулик кўзлайман фақат мен сендан,
Мен сенга омонлик тилайман, қардош!

Чингиз оға руҳи бугун бўлди шод,
Икки эл — бири кўз, бири эса қош.
Бирлашмоқ қўшигин қуйлатар ҳаёт,
Мен сенга омонлик тилайман, қардош!

Дунёда бебаҳо тинчлик сурури,
Жонажон Ватанлар томирдош, қондош.
Ишончу оқибат фаҳри, ғурури,
Мен сенга омонлик тилайман, қардош!

Толедан ярқираб бахт пешонаси,
Сарбонларинг бўлсин мудом сенга бош.
Бор бўлсин дўстлиқнинг бу нишонаси,
Мен сенга омонлик тилайман, қардош!

ИККИ ХАЛҚ ДЎСТЛИГИН ИБРАТИДИР БУ!



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Нияти аълолар диллари гулдир,
Қурган инсонларнинг қўллари гулдир,
Юрган дарё бўлса, йўллари гулдир,
Қирғиз қардошимиз гули қўлида,
Бу кун ўзбек меҳмон қирғиз элида.

Иссиққўл табиат табиби эрур,
Ибн Сино табиблар ҳабиби эрур,
Қурган ғурур қилса, кўрганда сурур,
Қутлаган тилларнинг қўш торидир бу,
Соғинган дилларнинг дийдоридир бу.

Иссиққўлда ўзбек «Бўстон»ида биз,
Қирғиз хуш ҳавосин жаҳонидамиз,
Наздимда қадрият осмонида биз,
Йўқ ердан юрмаймиз эртақлар тўқиб,
Биз кўзга сурганимиз «Манас»ни ўқиб.

Чингиз Айтматовдек даҳо юртида,
Соғунийдек улуғ сиймо юртида,
Ўзбек Солижони фазо юртида,
Албат қувонамиз қутлаймиз дилдан,
Улуғлар кўп чиққан қирғиз элидан.

Икки сарбон икки миллат шонидир,
Туркий халқлар тинчлигин посбонидир,
Кўргин дунё, бу тинчлик Туронидир,
Халқлар бирлигининг чироғи улар,
Ўзбекнинг, қирғизнинг қароғи улар.

Келинг, қўлни очинг, дуо қилайлик,
Яхши дуоларни шифо билайлик,
Бирлиқни бошдаги ҳумо билайлик,
Қурган бунёдкорлар қудратидир бу,
Икки халқ дўстлигин ибратидир бу!

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!





Шерали Жўраев ижросида
«ОНА ТУРКИСТОН» қўшиғи
Шавкат Раҳмон шеърИ

...Ўзбек, қирғиз, қозоқ — сартимсан,
Уйғур, тотар, туркман — туркимсан,
Тожиқ — оғам, озор — Ўғўзсан,
Бир Онадан тарқагандирсан.

Қаддинг кўтар, Она Туркистон!
Йиллар ўтар, қара, Туркистон!

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Республика Бошқаруви Жамғарманинг Тошкент вилояти бўлими раиси Абдусамад Носировга наси

Саодатхон НОДИРОВА

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят бош ҳисобчиси Исомиддин Суяновга отаси

Тилвқобил бобо

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

MUASSIS:



ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarI tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENIAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43

Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31

Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12

Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34

Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66

Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70

Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Alijon Abdurahmonov

Musahhihlar: Dilorom Xudoyberganova, Umida Xudoyberganova

Sahifalovchi: Hasan Abduljalilov

Bosishga topshirish vaqti — 01:20

Topshirildi — 01:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga boshmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 083 ta

Shundan: 6 086 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi — Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi

«Erudit» MCHJ boshmaxonasi — Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 811 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi — Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-711

1 2 3 4 5 6